



Сюжет (фр. sujet — предмет) — адабиёт, драматургия, театр, кино ва ўйинларда — бадий асарда (театр сахнасида) содир бўладиган ва ўқувчи (томошабин, ўйинчи) учун маълум бир намоиш коидаларига мувофик қурилган бир қатор воқеалар (сахналар, ҳаракатлар кетма-кетлиги). Сюжет — асар шаклининг асосидир.

Тушунчанинг мазмуни

Энг умумий шаклда сюжет асарнинг ўзига хос асосий схемаси бўлиб, у асарда содир бўладиган ҳаракатлар кетма-кетлигини ва унда мавжуд бўлган персонажларнинг муносабатлари йигиндисини камраб олади. Одатда, сюжет куйидаги элементларни ўз ичига олади: мукаддима, асар «тугуни», ҳаракатнинг ривожланиши, авж нуктаси, ечим ва постпозиция, шунингдек, баъзи асарларда пролог ва эпилог ҳам бўлади. Сюжет ривожининг асосий шarti - бу вақт бўлиб, ҳаракатнинг тарихий даври ҳам, асар жараёнида вақт ўтиши ҳам муҳим.

Сюжет тушунчаси асар фабуласи тушунчаси билан ҳамбарчас боғлиқ. Замонавий рус адабиётшунослигида (шунингдек, мактаб адабиёти ўқитиш амалиётида) "сюжет" атамаси одатда асардаги воқеалар ривожини ифодалаш учун ишлатилади, фабула эса - бу даврда воқеалар ривожини билан пайдо бўладиган асосий бадиий конфликт сифатида тушунилади. Тарихда сюжет ва фабула ўртасидаги муносабат борасида юқоридагилардан фарқли бошқа қарашлар ҳам бўлган. 1920-йилларда ОПОЯЗ вакилларида хикоянинг икки томонини ажратиш кўрсатиш сўралган: улар асар оламидаги воқеалар ривожини "фабула" деб атаган, бу воқеаларнинг муаллиф томонидан қандай тасвирланишини эса - "сюжет" деб.

Яна бир талкин 19-аср ўрталаридаги рус танқидчиларидан келиб чиққан бўлиб, уни А.Н.Веселовский ва М.Горький ҳам қўллаб-қувватлаган: улар асарда ҳаракатлар ривожланишининг ўзи ва бунга персонажлар муносабатини кўшиб, шуни сюжет деб атаганлар, фабула деганда эса асарнинг композицион томонини, яъни муаллифнинг сюжет мазмунини айнан қандай етказишини тушунган. Бу талкиндаги "сюжет" ва "фабула" атамаларининг маънолари аввалгисига нисбатан тесқари эканлигини кўриш қийин эмас.

"Фабула" тушунчаси мустақил маънога эга эмас, асар тахлили учун "сюжет", "сюжет схемаси", "сюжет композицияси" тушунчалари билан ишлашнинг ўзи етарли, деган нуқтаи назар ҳам бор.

Сюжетлар типологияси

Адабий асарларнинг сюжетларини таснифлаш, уларни турли мезонларга кўра ажратиш ва энг типикларини ажратиш кўрсатишга бир неча бор уринишлар қилинди. Таҳлил, хусусан, турли халқлар ва турли минтақаларда, асосан, халқ ижодида (эртақлар, афсоналар) турли шаклда кўп марта такрорланадиган сюжетлар – "сайёр сюжетлар" деб аталадиган катта гуруҳни ажратиш кўрсатиш имконини берди.

Сюжетларнинг барча хилма-хиллигини кичик, аммо айни пайтда тўлиқ сюжет схемаларига боғлаш бўйича бир неча уринишлар маълум. Машхур "Тўрт давр" қиссасида Борхес барча сюжетлар фақат тўртта вариантга бориб такалишини таъкидлайди:

Истехкомли шаҳарга хужум ва унинг мудофааси тўғрисида (Троя)
Узок кайтиш хакида (Одиссей)
Кидирув хакида (Ясон)
Кахрамоннинг ўз жонига касд килиши хакида (Один, Атис)

Француз тадқиқотчиси Жорж Польти 1895 йилда "Ўттиз олти драматик вазият"
китобини нашр этди, унда жаҳон драматургиясининг бутун тажрибасини 36 стандарт
сюжет тўқнашувининг ривожланишига кискартирди.

Абу Муслим таржимаси